


# ЯНГИ ЙИЛДИНГИЗ МУБОРАК БУЛСИН!



## ТОШКЕНТИ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўномаси

№ 253 (7. 942) 1991 йил 31 декабрь, сешанба Нархи 8 тийин

Рўнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

### Бугунги кун нафаси

**ЖУМЎРИЯТИМИЗДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги мусиқали драма театрлари бир гуруҳ ходимларини муқофотлаш тўғрисида» Фармони қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Инглизча Ўзбекистон билан Туркия ўртасида тузилган шартномалар ва битимларни рўйбга чиқариш масалалари муҳокамаси қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси биржалари конгресси тақдир этилди. 18 биржанинг раҳбарлари таъсис ҳужжатларини имзоладилар.

**ҲАМДЎСТЛИКДА**

Беларусь пойтахтида Ҳамдўстлик Давлатлари бошлиқларининг кенashi ўз ишнин якулади. Давлатларнинг бошлиқлари 9 та ҳужжатни имзоладилар.

**ХОРИЖДА**

БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартираси биноси олдида Россиянинг уч рағдан иборат байроғи кўтарилди.

### РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ РЕФЕРЕНДУМ ВА ЎЗБЕКISTON САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТИ

1991 йил 30 декабрь куни марказий сайлов комиссиясининг Қ. А. Аҳмедов раислигида бўлиб ўтган мажлисида республика референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якулини чиқаришди.

Республикада сайлов умуман ушшоқлик билан, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуни талабларига мувофиқ ўтди, унда фуқаролар тоғт фоалик кўрсатдилар. Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиққан марказий сайлов комиссияси республика ҳудудда тузилган 13 та сайлов округининг барча 6994 та участкасида овоз берилганини аниқлади.

Республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қувватлаб 9718155 киши «ки овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди, шу жумладан сайлов округлари бўйича овоз бериш натижалари 1-иловада келтирилган.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

#### ЭРКИН НАРХ БЕЛГИЛАШ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ҳамон ошиб бораётганини ва шу муносабат билан аҳоли маишатларини ҳамда турмуш даражасини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, давлат муассасалари ва уй-жой-коммунал тармоқ ходимларининг иш ҳақи 1991 йилдаги нисбатан 2 баравар ва асос қилиб олинган (1990) йилга нисбатан 4,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлири студентларининг, техникумлар ҳамда республика ҳукуматининг қарорларига биноан ки-йим-кечак ва оғдат билан таъминланма-ётган хунар-техника билдим юртлири талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 2,2 баравар оширилиб, имтиёзли оғдатлаштириш қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори (компенсациони ҳисобга олиб) ойига 350 сўм белгилансин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган да-роматларининг энг кам миқдори ойига 350 сўм ҳамда белгилансин.

5. Вазириликлар, идоралар, корхона-лар ва ҳўжалиklar улбу фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасини ҳисобга олиб, эркин ва шартномавий нархлардан кенг фойда-ланилаётганлигини назарда тутиб, 1992 йилда ишловчиларнинг иш ҳақи янада оширилишини таъминловчи тадбирлар-ни рўйбга чиқаришни, истеъмол фон-ди бўйича илгарчи белгиланган ҳар қан-дай чеклашларни беқор қилишни, иш-лаб чиқаришни ўстиришни маввуд за-хираларини жалб этишни қўзда ту-тинар.

6. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг «Барча турдаги мактаблар-нинг ўқитувчилари, болалар уйлари-нинг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори сифат ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь фармони 1992 йил 1 ян-варидан бошлаб республика мактабга-ча тарбия болалар муассасалари ва мак-табдан ташқари муассасалар тарбиячи-ларига, ўқитувчиларига, хунар-техника таълими системаси муаллимлари ва иш-лаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Прези-денти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси ма-жасур фармони амалга оширилиши ю-за-сида ташкилий чора-тадбирларни на-зарда тутуви қарор лойиҳасини та-йёрлашни ва кўриб чиқиш учун тақдим этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири-ни бир ой муддат ичда ама-лда қонуничилини мажсур фармонга му-вофиқлаштириш ҳақида тақлифлар та-йёрлашни.

9. «Республиканинг давлат таъминот-идаги аҳолини турмуш даражасига ма-лад бериш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 1991 йил 16 июль 291-сон фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **М. КАРИМОВ**,  
1991 йил 29 декабрь.



### ЙўЛИНГИЗГА ГУЛЛАР ПОЁНДОЗ

ТУНД йилининг қиёфасини кўрганмикин! Сал бўлса ҳам унинг чиройини очини мушкул деб ўйлаган бўлсангиз керак. Яхшиси ун гуллар барқ уриб турган ердан — майли у хоҳ дўкон бўлсин, хоҳ гулзор — олиб ўтинг, ўйла-ганингиз хато эканлигига гувоҳ бўласиз. Уша тунд кишининг кўзи гулларга турган ҳамона, чехрасига табассум айланади... Чунки гул — ҳаёт дегани, табассум дегани, нур дегани...

Янги йил оқишларида қор эмас, гулдан гапир-ганимизга ҳайрон бўламиз. Қор табиатнинг кийи-ми. У бугун бўлмаса эртага ёғади. Гулни эса ҳаётимиз гўзал бўлсин деб, унга қараб қўй-гимиз боришимиз, чехрамизга кулгу қўйсин деб ўзи-миз этиштирамиз. Бир-биримизга тақдим эта-миз. Чунки энг яхши соғва гулдир.

Гулингиз яна бир номи мўҳаббат. Мўҳаббат сингари у ҳам ёш танилмайди: барчага — йш қарига, эрақау айла бирдан тақдим этилади.

Гулдастани шу кунларда наердан оламан деб тавиш чекманг. «Салом» гуллар дўконига таш-риф буюринг, у ердаги гўзал қизлар сизга жо-ну диллари билан таяйиб, тақдим этадилар. У ерда Наврўз Миролқомовдек (қандаги сўра!) юздан табассум ёйилб турган қизлардан ан-доза олган анвойи чечаклар.

Бир доғимизда табиб беқор қўзи кўриб бў-либ дебди: «Бу қизга ҳар кун саҳарда инки до-на гул тақдим этинглар. Агар ун йилгит киши тақдим этса яна ҳам яхши». Алҳисса, қиз ўни-чи кунин, ўнчи — боғбон йилгит гул келтирган-да ўридан туриб кетибди. Гул, демак, изҳори ишқ ҳамдир.

Азилар! Ҳаммангизни Янги йил билан табрик-лаб, «Кўлингиздан гул армасин, йўлингизга гуллар сочлисин, ҳар кунингиз гулдан яшасин» деймиз.

Рустам Шарипов суратлари.

АЛП чинорининг яна бир япроғи узилди. Умрини улкан бир чинор даракти бўл-са, ой, кунларимизни унинг қудратли шох-ларини япроқларига қиёс этулишидир. Ана шу дарактининг 1991 йилдаги яна бир я-проғи — тақдирининг сўнгги вақти узилди. Варақлар-япроқлар... Улар кимга йўқол-дики! Янгилик буронлари тағ-туғи билан ядғариб ташлаган уйимиз — социали-стик жамиятини пойдевордан бошлаб янги-дан тиклашга бел боғлаган йилмизнинг кунлари губордек йўқликка сингиб кетди-ми? Йўқ, асло йўқ! Мана, тақдирининг варақ-лари.

Наврўз байрами ҳар галгидан ҳам қу-вончлироқ ҳар галгидан ҳам файзлироқ ўтди. Наврўз кунда хордиқ олинча эриш-ган одамлар «Халқат бор экану!» деб бир-бирларини бағрига босди, кучди, эр-каниди. Бу арий оғзуниқ ушатиш, йил-лар, бўйи ҳисба солинган айвон Наврўзининг ўз юртига, масканига, киши-ларимиз қалбига қайтиб келиши эди.

Нарх-наво деган лашкарбоши от ўйна-ди, кинотасмага, ҳар бир хондонга «босиб» келди. Кийим-кечаклар, зеби-напталар, ҳатто кинга, томошга кириш нархлари осмонга кўтарилди кетди. Лекин республикамиз ҳукумати озқ-овақат маҳ-сулотлари, хусусан, нонининг нархини ошир-маслиҳка қарор қилди. Хайрият, нон бун-тун бўлишни ҳаммизга оруз қилиб юради-

### УЗИЛГАН ЯПРОҚЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Манкан Мукаррама, Мадина Мунава-рани тушимизда кўраб эдик. Хожилар қандай кишилар бўлишар экан, деб ўйлар қандай бўлиши, ушар эканлар амал-эдик. Буни қарангки, ушарларимиз му-сулга ошди. Бир гуруҳ мўншиларимиз му-сулга ошди. Бир гуруҳ мўншиларимиз му-сулга ошди. Бир гуруҳ мўншиларимиз му-сулга ошди. Бир гуруҳ мўншиларимиз му-сулга ошди.

«Яхшилик — яхшиликни эргаштириб юради», дейди доно халқимиз. Мустақил-лик хоризондаги ватандошлар учун юрт эшикларини иссиқ бағримиздек кенг очиб берди. Саудия Арабистони, Туркия, Аф-ғонистон, Америка, Австралиядан қондош-ларимиз ташриф буюришти, муборакбод битилларини йўллашди. Улар биз йиллар мобайнида захри-заққунага ботирган ту-роғимизга эҳтиром ила лаб босдилар, «Юртин, дийдорингдан айланай сенинг», деб дил қарини вриб чиққан оташин ин-донлар билан изҳори қалб қилдилар. Янги тузилган «Эл» уюшмаси, унинг раҳбари

Яна бир янгилик: Ўзбекистонда КПСС ўз феолиятини тўхтади. Янги партиа — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ту-зилди. «Эри» демократик партиясини рас-ман рўйхатга олди. Демак, кўппартия-лик йўлда дастлабки оғим қўйилди. Халқ демократик партиясининг раиси хўрматли Ислам Каримов, «Эри» демок-ратик партиясини раиси хўрматли Мўҳаммад Солиқларнинг республика Президентлиги-га номзодлари қўйилди. Ислам Каримов умумхалқ овоз бериш йўли билан муста-қил Ўзбекистон Республикасининг Президенти қилиб сайланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Туркия Республикасига расмий сафарини янги қондош халқ ўртасидаги муштараклик-ни жақонга кўз-кўз қилди. Айни пайтда қондош-қондош халқнинг ҳамкорлиги ни-ҳоятда чегара билмаслигини яна бир бор исботлади. Дўстлигимиз, қардошлигимиз ўз маваларини бағрай, кишошлоқ.

Бизнинг тарихимизда бўлмаган уч муҳим воқеа ҳам борки, бун ҳам алоҳида эъ-тироф этмасдан бўлмас. Бу — Ўзбекистон-да илк бор ўтказилган Президентлик сайловидир. Иккинчиси эса Ўзбекистон республикасининг амалга оширилишидир. Ва-лиқсиз, кўп йиллардан кейин пойтахтимиз ўзининг кишиларини, босиқ-вазминчу атти йўлаб бир кесадиған ҳоқимига эга бўлди. Ҳаммаимиз улар бору, улуғ бир юмушлар оstonаида турбимиз. Уша юмушлар биз бақарамиз. Уша юмуш-лар озад республикамиза қўрониқнинг муста-қиллигини учун гаров бўлади.

Ҳадемай янги 1992 йил тавишлари, ўз йилларини, ўз қонишларини билан кириб кел-ди. Ҳадемай Мустақил юртимизнинг илк бақори меҳнат майдонига қорлайди. Янги йилнинг муборак бўлисин, эзна ҳалқимизлар! Мустақил юртин, янги ба-қори кутлуғ! У абадий сеники бўлсин, бизники бўлсин!

Иқболимизда нима вруглик бор бўлса, тағри уша бақтиёрликка етказсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.





